

IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси 5 515,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 524,8 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 9,5 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 6,7 фоизга кўпайиб, 1 252,3 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 22,7 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 3 244,4 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизни ташкил этди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 58,8 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(2018 йилнинг январь–июнь ҳолатига фоизда,
уюшмаган савдосиз)




2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва надавлат шакллари бўйича қуйидаги ифодаланади: надавлат сектор мулки 5 515,7 млрд. сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо
товар айланмаси таркиби**


	<i>млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	5 515,9	103,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	524,8	126,4	9,5
кичик тадбиркорлик	4 991,1	101,8	90,5
шукаторда уюшмаган савдо товар айланмаси	494,3	101,2	9,0

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(январь-июнь, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)**

2017 й.



2018 й.



■ Йирик корхоналар ■ Кичик корхоналар ва якка тадбиркорлик ■ Уюшмаган савдо